

Биринчи инстанцияда ишни
кўришда раислик қилган судья-
З.Тўраев

Апелляция инстанциясида
маърузачи бўлган судья -
Б.Бабамирзаева

ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА НАМАНГАН ВИЛОЯТ СУДИ АПЕЛЛЯЦИЯ ИНСТАНЦИЯСИНИНГ АЖРИМИ

2019 йил февраль ойининг 11 куни, жиноят ишлари бўйича Наманган вилоят суди апелляция инстанцияси судлов ҳайъати ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи судья Б.Бабамирзаева, судлов ҳайъати судьялари С.Мамадалиева, А.Ғаппоровдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Ш.Салиевнинг котиблигида, Наманган вилоят прокуратураси бўлим прокурорлари О.Жураев, Б.Ғуломов, судланган [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси адвокат [REDACTED]нинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Наманган туман судининг 2019 йил 8 январдаги ҳукмига кўра судланган

[REDACTED], [REDACTED] йил [REDACTED] декабрда Наманган шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам:
1. Жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2012 йил 5 мартдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “а” банди билан 57-моддаси қўлланиб, ойлик иш ҳақининг ўн фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 йил аҳлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланиб, шу суднинг 2013 йил 6 февралдаги ажрими билан амнистия актига асосан жазодан озод қилинган;
2. Жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2014 йил 13 февралдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 2-қисми “е” банди билан 5 йил озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланиб, Жиноят ишлари бўйича Олмалиқ шаҳар судининг 2015 йил 19 июндаги ажрими билан ўталмай қолган 3 йил 3 ой 10 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси шу муддатга аҳлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилиб, Жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2016 йил 19 июлдаги ажрими билан ўталмай қолган 2 йил 4 ой 8 кун аҳлоқ тузатиш ишлари жазосидан ЖКнинг 73-моддасига асосан шартли равишда озод қилинган, хусусий тадбиркор, [REDACTED] яшайди, иш бўйича 2019 йил 8 январдан қамокда сақланаётган

ва бошқаларга оид жиноят ишини судланган [REDACTED]га оид қисмини ўзининг апелляция шикояти асосида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Жиноят ишлари бўйича Наманган туман судининг 2019 йил 8 январдаги ҳукмига кўра, [REDACTED]га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “б” банди билан 3 йил, 60,61-моддалари тартибида 3 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, жазони қаттиқ тартибли коллонияларда ўташ белгиланган.

Ушбу ҳукм билан [REDACTED], [REDACTED], [REDACTED] ҳам судланган бўлиб, жиноят ишининг уларга оид қисми юзасидан шикоят берилмагани, протест келтирилмагани сабабли муҳокама қилинмади.

Суднинг ҳукмига кўра, [REDACTED] 2018 йил 13 октябрь куни соат 11:45 ларда Наманган тумани, Хонобод маҳалласи ҳудудида жойлашган автомобилларга сиқилган газ тўлдириш шаҳобчасида [REDACTED] билан бир гуруҳ бўлиб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, бақир-чақир қилиб, [REDACTED] ва [REDACTED]ни уриб-дўппослаб, уларга соғлиғини бузилишига сабабчи бўлган енгил тан жароҳати етказганликда айбланган.

[REDACTED] апелляция шикоятида, жанжалга ажратиш мақсадида аралашгани, [REDACTED] юзига урганидан сўнг ўзини ҳимоя қилиш мақсадида ҳаракат қилгани, ҳозирда тўлиқ тузалиш йўлига ўтиб, тадбиркорлик билан шуғулланиб келаётгани, жабрланувчиларнинг даъвоси йўқлиги, оилада ягона боқувчи экани ҳақида важлар келтириб, суд ҳукмини унга оид қисмини ўзгартириб, озодликдан маҳрум қилиши билан боғлиқ бўлмаган енгилроқ жазо тайинлашни сўраган.

Судлов ҳайъати иш бўйича судья Б.Бабамирзаеванинг маърузасини, судланган [REDACTED] ва унинг ҳимоячиси адвокат [REDACTED]нинг апелляция шикоятини қаноатлантириш, вилоят прокуратураси бўлим прокурори О.Жураевнинг суд ҳукмини ўзгаришсиз, шикоятни қаноатлантирмасдан қолдириш ҳақидаги фикрларини тинглаб, апелляция шикоятидаги важларни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга таҳлил қилиб, қўйидаги асосларга кўра суд ҳукмини ўзгаришсиз, келтирилган апелляция шикоятини қаноатлантирмасдан қолдиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги “Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги 9-сонли қарорининг 1-бандида, безорилик жамоат тартибига қарши қаратилган жиноят бўлиб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасликда ифодаланган ҳаракатлар шахсни уриш-дўппослаш, унга енгил тан жароҳати етказиш ёки ўзганинг мулкига анча миқдорда шикаст етказиш ёхуд уни анча миқдорда нобуд қилиш билан боғлиқ ҳолда содир этилиши;

жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик деганда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, одоб ва ахлоқ нормалари, урф-одат, анъаналар билан белгиланган жамоат тартибини (одамлараро муносабатлар, юриш-туриш қоидалари, шаклланган ижтимоий турмуш тарзини) қўпол тарзда бузиш тушунилиши, жамоат тартиби қўпол тарзда бузилиши шахс томонидан ЖК 277-моддаси биринчи қисми диспозициясида назарда тутилган ҳаракатлардан бирортаси содир этилишида ифодаланиши;

3-бандининг 2-хатбошида, уриш-дўппослаш деганда, айбдор томонидан жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан бузиб, шахснинг баданига шикаст етказмаган ҳолда бир неча зарба бериш тушунилиши ҳақида тушунтириш берилган.

Иш ҳужжатлари ва судда аниқланган ҳолатларга кўра, [REDACTED] бошқарувидаги [REDACTED] русумли автомашинасида Наманган туман, Хонобод маҳалласи ҳудудида жойлашган автомобилларга сиқилган газ қуйиш шаҳобчасидан қарама-қарши йўналиш томонга чиқиб кетаётганида [REDACTED] бошқарувидаги [REDACTED] русумли автомашинасини сигнални баланд овозда босиб, уни ҳақорат қилиб сўкингани сабабли бир-бирларини ҳақоратли сўзлар билан сўкиб, ўзаро гап тортишиб кетишганива [REDACTED] [REDACTED] ни телефон қилиб чақиргани, [REDACTED] етиб келиб, жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, бирданига [REDACTED] ни уриб-дуппослаб, тишини синдириб жароҳат етказгани, шу сабабли [REDACTED] [REDACTED] ни, [REDACTED] [REDACTED] ни уриб жароҳати етказган.

[REDACTED] нинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айби, ўзининг суддаги, айбига қисман иқроқ бўлиб берган кўрсатувидан ташқари, мазкур ҳукм билан судланган [REDACTED], [REDACTED], гувоҳлар [REDACTED], [REDACTED] нинг суддаги кўрсатувлари, жиноят ишидаги ходиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ҳақидаги баённома ва фото иловалар, тушунтириш хатлари, юзлаштириш баённомалари, Наманган вилоят СТЭБнинг 2018 йил 16 октябрдаги 6271, 6272-сонли хулосалари ҳамда ишда тўпланган бошқа далиллар билан тўлиқ исботланган.

Суд иш ҳолатларини тўғри аниқлаб, [REDACTED] нинг жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 277-моддаси 2-қисми “б” банди билан тўғри квалификация қилиб, унга нисбатан жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарорининг 3-бандидаги, жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги тушунтиришларига риоя этган ҳолда у томонидан содир қилинган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни, уни шахсини, муқаддам судланиб, жазодан шартли равишда озод қилинганидан тегишли хулоса чиқармай, жазо муддати тугамасдан туриб, яна ушбу безорилик жиноятини қасддан содир этганини ва уни жамиятдан ажратмаган ҳолда қайта тарбиялаш мумкин эмаслигини эътиборга олиб, қонун доирасида озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, асосли хулосага келган.

[REDACTED] нинг жанжални ажратмоқчи бўлгани, [REDACTED] уни юзига урганидан сўнг ўзини ҳимоя қилиш мақсадида ҳаракат қилгани

ҳақидаги вазлари;

мазкур ҳукм билан судланган [REDACTED] нинг суддаги ва апелляция инстанциясидаги, [REDACTED] билан [REDACTED] газ қуйиш шаҳобчасида ўзаро оғзаки жанжаллашиб кетишгани, уларни ажратиб турганида [REDACTED] етиб келиб, ҳолатни суриштириб билмай, ҳеч бир сабабсиз уни уриб-дўппослаб, тишини синдириб, жарохат етказгани, [REDACTED] буни кўриб жаҳл устида [REDACTED] ни уриб юборгани, шунда [REDACTED] ни ургани, уриб-дўппослашни биринчи бўлиб [REDACTED] бошлагани ҳақидаги;

судланган [REDACTED] нинг суддаги ва апелляция инстанциясидаги, Наманган туман, Хонобод маҳалласи ҳудудида жойлашган автомобилларга сиқилган газ қуйиш шаҳобчасидан чиқиб бошқарувидаги автомашинада қарама-қарши томондан келаётганида [REDACTED] бошқарувидаги “Дамас” русумли автомашинасини сигналини баланд овозда босиб, уни ҳақорат қилиб, сўкингани сабабли ўзаро жанжаллашиб кетишгани, [REDACTED] уларга жанжаллашмасликларини айтиб турганида [REDACTED] етиб келиб, ҳеч ким билан гаплашмасдан туриб, [REDACTED] ни уриб-дўппослаб жарохат етказиб, тишларини синдириб ташлагани, шунда [REDACTED] ни ҳимоя қилиш учун у ҳам [REDACTED] ни ургани, уни эса [REDACTED] уриб тан жарохати етказгани ҳақидаги;

гувоҳ [REDACTED] ни суддаги, [REDACTED] биқир-чақир қилаётган вақтда [REDACTED] автомашинадан тушиб у билан тортишиб кетгани, [REDACTED] етиб келганидан сўнг жанжал бошланиб, бир-бирларини уриб дўппослашгани ҳақидаги кўрсатувлари,

жиноят ишидаги юзлаштириш баённомалари ва ишдаги мавжуд судда текширилган бошқа далиллар билан рад қилинади.

Адвокат [REDACTED] нинг [REDACTED] мазкур жиноятни содир этган вақтда илгариги ҳукм билан тайинланган жазо тугаган бўлсада, суд Жиноят кодекси 60-моддаси билан нотўғри жазо тайинлагани ҳақидаги вазлари:

апелляция инстанциясида гувоҳ тариқасида сўралган Наманган шаҳар ИИБ ИИО Пробация бўлими катта инспектори [REDACTED] нинг, [REDACTED] унинг назорати остида ахлоқ тузатиш жазосини ўтагани, суд томонидан тайинланган жазони ўталмаган 3 йил 3 ой 10 куни ЖКнинг 74-моддасига асосан шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосига алмаштирилиб келганидан сўнг ИИБга ҳисобга олингани ва ушбу жазони жами 11 ой 2 кунини ўтаганидан сўнг судга тақдимнома билан мурожаат қилингани, жиноят ишлари бўйича Наманган шаҳар судининг 2016 йил 19 июлдаги ажрими билан [REDACTED] ЖКнинг 73-моддасига асосан ўталмай қолган 2 йил 4 ой 8 кун жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилингани, шартли жазо муддати 2018 йил 27 ноябрь куни тугаши ҳақидаги кўрсатувлари ва бу ҳақидаги маълумотномалар;

судда [REDACTED] ушбу муҳокама қилинаётган жиноятни 2018 йил 13 октябрь куни содир этгани аниқланганлиги билан рад қилинади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 490, 496, 497¹¹, 497¹², 497¹³, 497¹⁸
 - моддаларига амал қилиб, апелляция инстанцияси судлов хайъати

А Ж Р И М Қ И Л Д И :

Жиноят ишлари бўйича Наманган туман судининг 2019 йил 8 январдаги
 [REDACTED],
 [REDACTED]га
 нисбатан чиқарган хукмининг [REDACTED]га оид қисми ўзгаришсиз,
 апелляция шикояти қаноатлантиришсиз қолдирилсин.

Раислик қилувчи	имзо	Б.Бабамирзаева
Ҳайъат судьялари	имзо	С.Мамадалиева
	имзо	А.Ғаппоров
“Ажрим нусхаси аслига тўғри”		
Вилоят судининг судьяси		Б.Бабамирзаева